

## **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

*Тажиева Дилноз Баҳодировна*

*О'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши Ёшлар билан ишлаш ва бизнес тузилмалари  
бўлими мудири*

**Аннотация.** Мақолада хотин-қизларнинг замонавий жараёнларга интеграциялашувини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлари:** Хотин, қизлар, интеграциялашув, тенденция, ижтимоий, ҳуқуқий, гендер тенглик, қонун, фармон, Президент, Ўзбекистон, давлат, жамият, ижтимоий ҳимоя, зўравонлик .

**Кириш.** Жаҳонда хотин-қизларнинг замонавий жараёнларга интеграциялашуви тенденцияларини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотлар, жумладан, ижтимоий ҳамкорлик, гендер муносабатлари ва бу борадаги ривожланишнинг ижтимоий-маданий жиҳатлари, улардаги ўзгарувчан роллар, ўзини ўзи англаш ва ижтимоий-маданий омиллар, уларнинг ижтимоий фаоллиги, социал мобиллиги, дунёқарашидаги ўзгаришлар, ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, сиёсий етакчилик, билим олишларини тизимли таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб масалалари сифатида айланиб келмоқда.

**Натижалар.** Ўзбекистонда ҳам хотин-қизларнинг турмуш тарзи, фаоллиги, бандлиги, ижтимоий ҳимояси, етакланувчи мақомидан етакловчи мақомига олиб ўтиш, уларни қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек,

«мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим»<sup>1</sup>. Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолияти, уларнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжлари, манфаатлари, қарашлари, мақсадлари, орзу-ниятлари, қадриятлари, шунингдек, инновацион жараёнларга интеграциялашуви муҳим илмий-амалий масалалардан бири ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида», 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПФ-146-сон «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2022 йил 21 сентябрдаги ПФ-376-сон «Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 5 мартдаги ПФ-5020-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-146-сон «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизлар тўғрисида кўплаб манбаларни учратишимиз мумкин.

Жаҳонда хотин-қизларнинг янги замонавий жараёнларга ИНТЕГРАЦИЯлашуви бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: лидер хотин-қизлардан бошқарувда раҳбар кадрлар тайёрлаш (Guangxi Zhuang Autonomous region Хитой) ҳамда хотин-қизларнинг тадбиркорлик билан боғлиқ турли соҳаларда фаолият кўрсатишини такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилган (The International

---

<sup>1</sup> Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. «Халқ сўзи», 2020 йил 30 декабрь, <https://lex.uz/ru/>

Science, Technology and Innovation Centre (Малайзия); гендер роллар ва немис аёллар тарихининг ижтимоий жиҳатлари аниқланган (Германия); хотин-қизларнинг жамиятга ижтимоийлашуви механизмлари ишлаб чиқилган (Seoul of National University, Жанубий Корея); демократия, гендер тенглик, инсон ҳуқуқлари, интеграция, нодавлат ташкилотлар ва ёшлар сиёсати масалалари ёритилган (Ministry of integration and gender equality of Sweden, Швеция); хотин-қизларнинг ўз оилалари, жамоа ва жамиятдаги ролларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг имкониятларини кенгайтириш ўрганилган; (Women, s Learning Partnership for Rights, Development and Peace (WLP - Аёллар ҳамкорлиги), қарор қабул қилишнинг барча босқичларида аёллар иштирокини кенгайтириш усуллари (Association Democratique des Femmes du Maroc), аёллар ҳуқуқларини ижтимоий ва ҳукумат сиёсатига таъсири нуқтаи назаридан тушунишни кенгайтиришга қаратилган масалалари очиқ берилган; (BAOBAB for Women's Human Rights, Nigeria); ёш аёлларда етакчилик кўникмаларини ривожлантириш, сиёсий иштирокини кенгайтириш, мавжуд ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ташкилотларини кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари ёритилган (Women`s Affairs Technical Comittee, Palestine)<sup>2</sup>.

**Хулосалар.** Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислоҳотларимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади. Муҳаррам Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида “Олий Мажлис палаталари ва Ҳукуматга хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш вазифасини топшириш ушбу ишлар самарадорлигини янада оширади, деб ҳисоблайман”<sup>3</sup> деган гаплари бугунги кунда

---

<sup>2</sup> Гаффорова М.Қ. Ўзбекистон хотин-қизларининг социомаданий киёфасидаги ўзгаришлари тенденцияси. 22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи бўйича социология фанлари доктори (DSc) диссертацияси. Тошкент, ДБА-2021.

<sup>3</sup> Мирзиёев. Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси.- Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 247-бет

гендер тенглик, сайловларда аёлларга оид 30 фоизлик квотани 40 фоизга ўзгартирилганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг асосий мақсади – аёлларимизга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатишни янги, юксак босқичга олиб чиқиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдир.

Бу, ўз навбатида, “ Аёлларга илм бериш- жамиятни илмли, маърифатли ва салоҳиятли қилиш”, деган қонидани ҳаётга изчил татбиқ этишни тақозо этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. «Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь, <https://lex.uz/ru/>
2. Гаффорова М.Қ. Ўзбекистон хотин-қизларининг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлари тенденцияси. 22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи бўйича социология фанлари доктори (DSc) диссертацияси. Тошкент, ДБА-2021.
3. Мирзиёев. Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси.- Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 247-бет.